

# Ташкент Оқшоми

2007 йил, 27 март, Сешанба

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 59 (10.868)

Баҳоси эркин нарҳда

## XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.** Унда фракция аъзолари давлатимиз раҳбарининг «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида қайд этилган вазифаларни муҳокама қилдилар.

● **Бугун Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ» да «Озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар, қадоклаш воситалари ва ускуналар — WorldFood — 2007» ва «Қишлоқ хўжалиги — AgroWorld — 2007» халқаро кўргазмалари очилди.** «ITE Uzbekistan» компанияси томонидан ташкиллаштирилган ва мамлакатимиздаги бир қатор вазирлик ҳамда идоралар кўмагида ўтадиган ушбу кўргазмаларда дунёнинг 17 мамлакатидан 40 дан ортиқ компания ва фирмалар қатнашмоқда.

● Самарқандда Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари хўжалик судларининг судьялари иштирокида Минтақавий республика семинари бўлиб ўтди.

● С.Хўжалиёзов номидаги Қорақалпоғистон Республикаси ёш томошабинлар театрида Халқаро театр кунига бағишланган кўрик-танлов ташкил этилди.

● Наврўз байрами арафасида норинлик 400 нафар фермер эялилик билан сўнги нусхадаги 50 донга компьютер харид қилишди. Куни кеча туманда ана шу туҳфалар эгаларига топширилди ва шу тариқа фермерларнинг ҳиммати туфайли Норин туманидаги ҳар бир мактаб биттадан замонавий компьютерга эга бўлди.

● Наврўз шодиёналари кунларида Самарқанд вилоят силга қарши курашиш диспансерининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

● Кеча Ўзбекистон Бадий академияси кўргазмалар залида «Таълим ва мутахассислик» 2-халқаро кўргазмаси ўз ишини бошлади. Кўргазма республика Савдо-саноат палатасининг «SSP-Exprocontact» унитар корхонаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

### Кеча сатрларда

● **КЕЧА** Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси ташаббуси билан уюштирилган семинар «Маҳаллада спорт» деб номланди.

● **КЕЧА** Чилонзор туман ҳокимлигида Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ташаббуси билан Миробод, Учтепа, Чилонзор туманлари тадбиркорлари иштирокида ишбилармонликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларига бағишланган тадбир ўтказилди.

● **ТОШКЕНТ** Педагогика коллежида бағоят ёшдаги қизларни, ёш келинларни турмушда тайёрлаш мақсадида Чилонзор туман хотин-қизлар кўмитаси, туман ФХДБ бўлими, туман «Оила» маркази ҳамда «Наврўз» никоҳ маросимлари маркази ҳамкорликларидан уюштирилган «Оила — муҳаббат қасри» мавзусидаги семинар машғулотига ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчи-қизлари иштирок этишди.

● **БУГУН** Тошкент темир йўллар муҳандислари институти спорт мажмуасида «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ташаббуси билан уюштирилган «Миллий халқ ўйинлари» фестивали доирасида «Камолот» ЕИХ Миробод туман бўлими Кенгаши ҳамкорлигида арқон тортиш, ошқик, от ўйини, чиллак, лапти, жами ўйинлар талабалар иштирокида ўтказилди.

● **МАҲАЛЛА** ёшларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказишлариға кўмаклашиш, таътил кунларида ёшларга миллий урф-одатлар ва аъёналарни ўргатиш мақсадида Бектемир туманидаги «Рохат» маҳалласида «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар ва Бектемир туман бўлими ташаббуси билан туман халқ таълими бўлими, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими ҳамкорликларидан уюштирилган «Миллий халқ ўйинлари» фестивали ўтказилди.

● **ИЖТИМОЙ** ҳимоя йилга туҳфа сифатида Тошкент шаҳар ва Миробод туман ҳокимликлари, шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ҳомийликларидан замонавий ускуна қайта таъмирланган Тошкент шаҳар руҳий касалликлар шифохонасининг реабилитация бўлими ўз фаолиятини бошлади.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Озарбойжон миллий-маданий маркази ассоциациясида шахримиздаги миллий-маданий марказлар вакиллари иштирокида уюштирилган байрам тадбири Наврўзи оламга бағишланди.

● **ҲАМЗА** туманидаги Аҳмад Яссавий, Жўрабек, «Беш бола», Фулом Усмонов маҳаллаларида янгилаштириш, яшарли айёми — Наврўзи олам катта тантана қилинди.

● **ИЖТИМОЙ** ҳимоя йилга туҳфа сифатида «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида бунёдкорлар томонидан бунёд этилган «Молия» спорт-соғломлаштириш мажмуаси ўз фаолиятини бошлади.

● **КЕЧА** Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан шахримиз мактабларининг иқтидорли ўқувчилари ўртасида рус тили ва адабиёти фани бўйича кўрик-танлов уюштирилди. Ғолиб ўқувчига Россия олий ўқув юртида таълим олиш ҳуқуқи берилди.

● **УЧТЕПА** туманидаги Ал-Хоразмий маҳалласи фаоллари ташаббуси билан Наврўзи оламга бағишлаб тадбир ўтказилди, кам таъминланган оилавлар вакиллари, беморлар ҳолидан хабар олинди, уларга соғалар туҳфа этилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).



«Ташаббус—2007»

## ҒОЛИБЛАРГА — СОВРИНЛАР

**МАМЛАКАТИМИЗДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ҚАРАТИЛАЁТГАН ЭЪТИБОР, ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ УШБУ СОҲАНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА, РАВНАҚ ТОПТИРИШГА ОИД ҚАТОР ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАРИ ЎЗНИНГ ЮКСАК САМАРАСINI БЕРМОҚДАКИ, БУ КУНИ КЕЧА АНЪАНАВИЙ ТАРЗДА 11 ЙИЛДАН БУЁН ПРЕЗИДЕНТ СОВРИНИ УЧУН ТАДБИРКОРЛАР, ФЕРМЕРЛАР ВА ХУНАРМАНДЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛИБ КЕЛИНАЁТГАН «ТАШАББУС» КўРИК-ТАНЛОВИНИНГ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИДА ҲАМ ЁРҚИН ИФОДАСINI ТОПДИ.**

«Ташаббус—2007» кўрик-танловининг якуний республика босқичи пойтахтимиздаги мухташам «Ўзкўргазмасавдо» мажмуасида кўргазмалар намойиши билан бошланди. Ҳақиқий байрам тусини олган тадбирни Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов кириш сўзи билан очиб, бугунги имкониятлардан оқилона фойдаланиб, юртимиз иқтисодиёти ривожига катта ҳисса қўшаётган излашни ва ташаббусдан асло чарчамаётган иштирокчиларни чин дилдан қутлади. Сўнг туман, шаҳар, вилоят босқичларида ғолиблика эришиб, республика босқичига етиб келган барча иштирокчиларга «Ташаббус—2007» кўрик-танловининг лауреатлик дипломлари тантанали тарзда гулдурас қарсақлар остида топширилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу йилги кўрик-танловнинг илк босқичлари 2 ой давом этиб, унда 7 мингдан зиёд тадбиркор, хунарманд ва фермерлар ўз маҳоратларини намойиш этишди. Утган 11 йил мобайнида эса кўрик-танловда 100 мингдан зиёд иштирокчилар қатнашгани «Ташаббус»нинг кенг қулоч ёйганидан, янгилик яратувчилар сафи кенгайганидан далолат бериб турибди.

Ҳар йилгидек, ушбу тадбирда ҳам ғолиблар «Энг яхши тадбиркор», «Энг яхши фермер», «Энг яхши хунарманд» асосий йўналишлари бўйича аниқланди. Шу ўринда айтиш жоизки, кўрик-танловнинг ташкилий кўмитаси вазирлик ва идоралар, йирик саноат корхоналари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан иборат бўлиб, асосий ташкилотчи Республика Савдо-саноат палатаси ҳисобланади. Шунингдек, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат кўмитаси, давлат мулкчи бошқариш кўмитаси, Фермер хўжалиқлари уюшмаси, «Хунарманд» уюшмаси ҳамда қатор вазирлик ва идораларнинг ҳамкорлиги ва молиявий кўмаги кўрик-танловни муваффақиятли ўтказишда муҳим аҳамият касб этди.

Кўрик-танловнинг 2-нум давомидан намойиш этилган кўргазмасига ташриф буюрувчиларнинг кети узилмади ва уларнинг эътирофлари, албатта, тадбир иштирокчилари



нингдек, ушбу йўналишлар бўйича 2-, 3-урин соҳиблари ҳам аниқланди. Пойтахтимиз вакили, хунарманд—миниаторчи расоом Азимжон Алибеков ҳам кўрик-танловда «Энг яхши хунарманд» йўналиши бўйича 3-уринга сазовор бўлди. Уста хунармандимиз диплом, бронза медали, кичик мислаган, 2 миллион сўмлик чек, «Коском» компаниясининг олтин рақамли тиллаш, 1000 дақиқали бепул эфир олиш ҳуқуқини берувчи сертификат билан тақдирланди.

— Албатта, ушбу рағбат мени янада излашни, санъатимни ривожлантиришга, юрдошларимиз маънавиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўладиган асарлар яратишга ундайди,—деди Азимжон Алибеков.— Франция, Япония давлатларида ўзбек санъати намуналарини намойиш этишга муваффақ бўлганимдан фахрланаман ҳамда асарларимдан барча жаҳон аҳлини баҳраманд этишга интиламан. Шунинг баробарида истеъдодли ёшларга хунар ўргатишга муносиб ҳисса қўшаман.

Кўрик-танловда 20дан зиёд номинациялар бўйича ғолиблар аниқланди. Улар орасида «Энг яхши экспорт қилган кичик корхона», «Энг мурувватли тадбиркор», «Энг яхши пахтакор-фермер», «Энг яхши галлакор-фермер» сингари янги номинациялари ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Айниқса, тақдирлаш маросимидаги ўзбек эстрада юлдузларининг гала-концерти барчага завқ-шавқ уллади, кайфиятларини кўтарди. Ушбу кайфият ғолиб ва совриндорларга йил бўйи ҳамроҳ бўлиб, ютуқларга ундаши, шубҳасиз.

**Шарифа ИЛЕСОВА**  
**СУРАТЛАРДА: «Ташаббус—2007»** кўрик-танловининг якуний республика босқичи кўргазмалар намойишидан лавҳалар.

**Ҳакимжон Солиқов ва Даврон Аҳмедов** олган суратлар

рени мамнун этди, кучига куч, ғайратига ғайрат бағишлади. Шунинг баробарида ҳайбат аъзолари ҳам бундай имкониятдан оқилона фойдаланиб, иштирокчилар фаолияти билан қўрроқ танишиш, ҳолис баҳо бериш ва хулоса чиқаришга муваффақ бўлишди.

Ва ниҳоят барчани хаяжонга солган ва орзиқиб қутилган вақт етиб келди. Мухташам «Туркистон» саройида ғолиб ва совриндорлар аниқланди, улар ўзларининг муносиб баҳосини олиш шарафига эришишди.

«Энг яхши хунарманд» йўналишининг 1-урин соҳибидеб Андижон вилоятидан кандакор ва пичок устаси Содиқжон Неъматов, «Энг яхши фермер» йўналиши бўйича эса Қорақалпоғистон Республикасидаги «Тайинбет» фермер хўжалиги раҳбари Сарсенбай Сейитназаров ғолиб деб топилди. Самарқанд вилоятидаги «Яшил олтин» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Зайнуддин Ахроров «Энг яхши тадбиркор» йўналиши бўйича ғолиб бўлиб, 1-уринга сазовор бўлди. Ғолибларга диплом ва Президент совғаларини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирлиги кўрик-танловни муваффақиятли ўтказишда муҳим аҳамият касб этди.

Кўрик-танловнинг 2-нум давомидан намойиш этилган кўргазмасига ташриф буюрувчиларнинг кети узилмади ва уларнинг эътирофлари, албатта, тадбир иштирокчилари

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ТЎҚҚИЗИНЧИ ЯППИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи яппи мажлиси 2007 йил 29 март куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилди.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатиغا

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2007 йил 28 март куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойсесида рўйхатга олинад.

### ЖАҲОНДА

● Кеча Франция Ички ишлар вазири Никола Саркози ўз иختирига кўра лавозимини топшириб, шу йилнинг апрель ойида бўлиб ўтадиган президентлик сайловларида қатнашиш юзасидан саяҳатларни бошлаб юборди. Зеро, мамлакат Конституциясига кўра Ички ишлар вазири сайловларни ташкил этишда қатнашди, лекин президентликка даъвогарлик қила олмайди.

● Кеча Россияда Хитой йили бошланди. Шу муносабат билан Россияга ташриф буюрган Хитой давлати раҳбари Ху Цзинтао Россия Президенти Владимир Путин билан учрашди. Ушбу улкан воқеа муносабати билан Давлат Третьяков галереясида ниҳоятда нобъ Хитой чиниларининг кўргазмаси очилди.

● Мисрда мамлакат Конституциясини ислоҳ қилиш бўйича ўтказилаётган референдум ниҳоясига етмоқда. Зеро, Президент Хусни Муборак томонидан Конституцияга 34 та ўзгартиш киритиш таклифи этилган бўлиб, уларни референдум тасдиқлаши керак.

● Шимолий Ирландияда католиклар ва протестантлар олти ҳафта давомида ягона ҳукумат тузишга келишиб олдилар. Келишувга кўра коалицион маъмурият 8 майдан кечикмаган ҳолда тузилиши керак.

● БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 15 аъзоси маъқуллаган Эронга нисбатан кенгайтирилган янги санкция овозга қўйилди ва бир овоздан қабул қилинди. Ўз навбатида Техрон ядровий дастурлар борасидаги БМТ Хавфсизлик Кенгашининг янги резолюциясини бутунлай рад этмоқда. Мамлакат Президенти Маҳмуд Аҳмадинажот расмий Техрон МАГАТЭ билан барча алоқаларни узиб ташлаши ва тинчлик йўлидаги ядро дастурини мустақил равишда давом эттиришини билдирди.

● Венесуэла Президенти Уго Чавес мамлакатда Бирлашган социалистик партия тузишини маълум қилди. Утган йили мамлакат президентлиги учун бўлиб ўтган сайловларда Чавес «Бешинчи республика ҳаракати» партиясининг ўз номзодини илгари сурганди. Эндиликда Президент ушбу партия етакчиларига мурожаат қилиб, уни тарқатиб юбориш ва янги партиёга аъзо бўлиб киришга чакирди.

● Германия Кочкинлар ва муҳожирлар масалалари бўйича федерал идораси айирмачилик сиёсати юритганили билан танилган Ичкериянинг собиқ ижтимоий таъминот вазири Абти Бисултоновга сиёсий бошпана беришни рад этди.

### ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 28 март куни Тошкентда ҳаво ўзгариш турати, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Фарбдан севкундига 7-12 метр тезликда эсаётган шамолнинг тезлиги кучайиб, севкундига 15-17 метрга етиши мумкин. Кечаси 9-11, кундузи 16-18 даража иссиқ бўлади.

## БЕЛЬГИЯДА НАВРЎЗИ ОЛАМ НИШОНЛАНДИ

АНТВЕРПЕНДАГИ БЕРХЕМ МАДАНИЯТ МАРКАЗИДА НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН КЕЧА БЎЛИБ ЎТДИ. ТАДБИР ЎЗБЕКИСТОН — БЕЛЬГИЯ ДЎСТЛИК ЖАМИАТИ ТОМОНИДАН ЮРТИМИЗНИНГ БЕЛЬГИЯДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Мазкур марказ залида Ўзбекистон халқ амалии санъати усталарининг маҳсулотлари кенг намойиш этилиб, ташриф буюрган меҳмонлар ўзбек халқининг бой маданияти ва урф-одатлари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар. Тадбирда Бельгия жамоатчиллиги, илмий ва ишбилармон доиралари ҳамда Антверпен шаҳри маъмурияти вакиллари иштирок этди.

Йиғилганлар Ўзбекистонда нишонланадиган Наврўз байрами тарихи ва унга хос аъёналар, шунингдек, «Ижтимоий ҳимоя йили» доирасида республикамизда амалга оширилаётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар билан танишдилар. Ўзбекистон заминига баҳор ва нафосат, ёшариш ва янгилашни байрами — Наврўзи оламининг қайтиши мустақиллик ва халқимизнинг маънавий қад-қийматлари қайта тикланиши туфайли содир бўлгани алоҳида таъкидланди.

Бугунги Ўзбекистон ва юртимизда Наврўзининг нишонланиши мавзусига бағишланган видеофильм меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди.

Йиғилганлар эътиборига А.Шадмуратов раҳбарлигидаги рақс гуруҳининг ўзбек миллий рақсларидан ташкил топган жўшқин концерт дастури намойиш этилди. Миллий мусика собобларимиз — доира ва дўмбирани юксак маҳорат билан ижро этган Бельгиянинг «Замон» фольклор гуруҳи қизиқиш эса кечага янада файз бағишлади. Ушбу гуруҳ 2005 йилда Самарқанд шаҳрида ўтказилган «Шарқ тароналари» халқаро мусика фестивалида муваффақиятли чиқиши билан юрдошларимизга яхши маълум.

Меҳмонлар Наврўз байрами аъна-

**А.МУҲАММАДЖОНОВ,**  
**«Жаҳон» АА мухбири**  
Брюссель

# ИШГА АМАРҲАМАТ!

## Бандлик

### САМАРАДОРЛИК ОШИРИЛАДИ

**БУГУНГИ КУННИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАСИГА АЙЛАНИБ ҚОЛГАН ДОИМИЙ БАНД БЎЛМАГАН АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ЙИГИЛИБ ҚОЛГАН ҚАТОР МУАМОЛАРНИ ЕЧИШ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИНИНГ МЕХНАТ, АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШ БОШ БОШҚАРМАСИ ТАССАРУФИДАГИ БАРЧА ТУМАН МЕХНАТ БЎЛИМЛАРИ ЗИММАЛАРИДАГИ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРДАН ҲИСОБЛАНАДИ. БУГУНГИ СУҲБАТДОШИМИЗ— СЕРГЕЛИ ТУМАН МЕХНАТ БЎЛИМИ РАҲБАРИ ҲОЛИДА НИЗОМОВА ЖАМОАНИНГ ФАОЛИЯТИ ҲАМДА КЕЛГУСИГА БЕЛГИЛАНГАН РЕЖАЛАР ХУСУСИДА ҚЎЙИДАГИЛАРНИ ГАПИРИБ БЕРДИ.**



— Бугунги кунда туманимизда 191,2 минг нафар аҳоли истиқомат қилади, улардан 114,7 минг нафар фуқаролар ишга лаёқатли ҳисобланади. Доимий банд бўлмаган аҳоли сони эса 1311 нафарни ташкил этади. Асосий вазифаларимиздан саналган аҳолини ишга жойлаштириш масаласига тўғри ечим топишда биз туманимизда фаолият юритаётган йирик корхона, ташкилот, бошқарма, турли идора, муассасалар ҳамда маҳаллалар оқсоқолларига таянмиш ҳақда улар билан яқин ҳамкорлик қиламиз. Аввало, доимий иш билан банд бўлмаган аҳолини рўйхатга олиш, уларни ўзла-

ри хоҳлаган мутахассисликлар бўйича ишга йўлланма билан юбориш, шунингдек, бош бошқармага қарашли Ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш марказига ўқишга юбориш ишлари қатъий режа асосида жамоамиз аҳли томонидан амалга оширилади.

Тахлиллий ҳисоб-китобларимизга кўра кейинги икки йил давомида туманимиздаги аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги кўрсаткичларимиз сезиларли ўсди. Бойси эса юртимизда тадбиркорларимизнинг эмин-эркин фаолият юритишлари учун яратилаётган қўлай шарт-шароитлар ва ҳуқуқий ҳимоядир.

Туманимиздаги аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами — меҳнат бозорида тенгма-тенг рақобатлаша олмайдиган ёшлар, кўп болали ва ногирон фарзанди бўлган оналар, ногиронлар, вояга етмаганлар, муддатли ҳарбий хизматдан қайтган йигитлар, жазо муддатини ўтаб келган фуқароларга керакли ёрдам кўрсатиш ҳам жамоамиз аҳлининг зиммаларидаги вазифалардан ҳисобланади.

Ўтган йилдаги ютуқларимизни мустаҳкамлаш, айниқса 2007 — Ижтимоий ҳимоя йили эканлигини эътибордан қочирмаган ҳолда туманимиз аҳолисига таянч бўлишни мақсад қилган ҳолда биринчи чорак режасига кўра Ўзбекистон Республикаси Меҳнат, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2006 йил 21 августдаги «Кам таъминланган оналар, 18 ёшгача ва 2 ёшгача болалари бўлган ишламайдиган оналарга давлат ижтимоий ёрдамини етказиш борасидаги ишларни ташкиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори ижросини таъминлаш борасида амалий

ишлар қилинди. Хусусан, март ойида меҳнат бўлимида ўқув-семинар ўтказилди. Унда тумандаги мавжуд 33 та маҳаллалардан оқсоқол, маҳалла котибалари таклиф этилди. Уларни қизиқтирган саволларга молия бўйича етакчи мутахассислар батафсил жавоб беришди.

Жумладан, меҳнат бўлими жамоасининг сайёҳ-харакатлари туфайли кунчи кеча тумандаги «Эркин ҳаёт» маҳалласи худудида «Бўш иш ўринлари ва вақант лавозимлар» меҳнат ярмаркаси уюшқоқлик билан ташкил этилди. Туманимизда ҳозирги кунда 668 та бўш иш ўринлари мавжуд бўлган ҳолда меҳнат ярмаркасида шу кун 21 та корхона ўзларининг бўш иш ўринлари билан қатнашди. Масалан, «FAYZ» холдинг компанияси, «Tosh-KAYA» қўшма корхонаси, «Сергели алоқа тармоғи» очик акциядорлик жамияти, туманимиздаги уй-жой мулкдорлари шirkатлари, «Тошкент қувур заводи» корхоналари шулар жумласидандир.

Мазкур меҳнат ярмаркасида ўша кун 105 нафар доимий банд бўлмаган фуқаролар қатнашди, унга тумандаги 6 та касб-хунар коллежларининг битирувчилари ҳам таклиф этилди. Ишга жойлашиш мақсадида муружаат этган 58 нафар фуқароларга йўлланмалар берилди. Шунингдек, 16 нафар кишига Ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш марказига ўқишга йўлланмалар топширилди. Эътиборли томони, малакали мутахассисларимиз кизикувчиларга маслаҳатлар бериш билан бирга, меҳнат бўлимининг кенг доирадаги фаолияти, вазифа ва имкониятлари ҳақида ҳам батафсил тушунтириш беришди.



Иш самарадорлигини ошириш мақсадида жорий йил охиригача ҳар чоракда туман миқёсида ҳамда худудий ярмаркалар, ўқув-семинарлар, учрашув, тадбирлар ўтказиш режамизга киритилган. Йил бошидан бизнинг туманимизда 472 та янги иш жойлари яратилди. Меҳнат бўлимига 259 нафар доимий банд бўлмаган аҳоли муружаат қилган, улардан 204 нафари ишга жойлаштирилди. 50 нафар фуқаролар эса ўқишга юборилди. 6 та квотали иш ўринлари яратилган бўлса, 4 нафар фуқаро ушбу махсус иш жойларига эга бўлишди. Касаначилик бўйича 65 нафар (асосан аёллар) фуқаролар ишга жойлашди.

Сирасини айтганда, келгусига белги-ланган режаларимизни кўнгилдагидай удалашга жамоамиз аҳли астойдил бел болаган. Бу йилда бизга яратилган имконият ва шарт-шароитлардан унумли фойдаланамиз.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**  
**СУРАТЛАРДА: Сергели туман меҳнат бўлими жамоаси иш фаолиятидан лавҳалар.**

— Коллежизмизда ушбу ўқув йилида 1224 нафар ўқувчилар ўзбек ва рус тилларида тахсил олмоқда,— дейди ўқув маскани директори Абдурашул Зокиров.—9-синф негизда 6 та йўналиш бўйича: радиотехника ва телеаппаратуралари таъмирлаш ва ишла-тиш; ЭХМ оператори, ЭХМ дастурчиси; компьютер тармоқлари жиҳозларини ўрнатиш, компьютер ва офис жиҳозларини таъмирлаш ва ишла-тиш; уй жиҳозларини таъмирлаш устаси; бухгалтерия ҳисоби; офис менежери мутахассисликларига ўқитилади. Шунингдек, тўлов-контракт асосида 11-синф битирувчилари қўйидаги йўналишлар—ЭХМ ва автоматлаштирилган тизимлар учун дастурчилар; радиотехника ва телеаппаратуралари таъмирлаш ва ишла-тиш бўйича тахсил олишадиган. Бизнинг ўқув юртимизда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқинишнинг ердан радиотехника таъмирлаш восталаридан фойдаланиш ҳамда бухгалтерия ҳисоби мутахассисликларини эгаллаш учун 1 йилу 10 ой ўқитилади.

Таълим масканимизнинг ўқув биносидаги фан ва компьютер хоналари, бай кутубхона, спорт зали, ошхона, буфет, тренажёр хоналари, замонавий талаблар асосида махсус жиҳозланган тўғарақ хоналари ҳам ўқувчилар ихтиёрида. Айниқса, Европа тикланиш ва тараққиёт банки томонидан ажратилган 3 миллион АҚШ долларлик кредит ҳисобига 4 та: физика, кимё, астрономия, биология хоналари жаҳон талаблари даражасида жиҳозланди. 55 нафар ўз касбининг захматқашлари—малакали педагог-ўқитувчилар ҳамда 20 нафар қўли гул усталаар жамоаси ёшларнинг етук мутахассислар бўлиб етиштирилди, касбий маҳоратлари юқори бўлишида муносиб ҳиссаларини кўшмоқдалар. Дарслар «Таълим тўғрисида»-ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига

кўра олиб борилади. Аҳил жамоамиз фаолияти касбий таълим бериш жараёнларига замонавий педагогик технологияларни олиб кириш, кадрлар сифатини тинчир-тириштириш бўлишига қаратилганлигини таъкидлаш жоиз.

Эътиборли томони, жамоамиздан мен, Маърифат Мусаева, Сергей Пак, Сергей Козлов ҳамда Азиза Абдуллаева Австралия

Мўқаддас Азимова, Мўқаддас Юсупова, Жамила Дадаева ҳамда ишлаб чиқариш усталаридан Бахтиёр Ёқубов, Александр Висилайкинларнинг меҳнатларини айтиш лозим.

Ўқувчи-ёшларнинг коллеждаги ўқиш даврини янада мароқли ва сермазун ўтказишлари учун кўплаб турдаги спорт ҳамда мутахассислик бўйича тўғарақлар

та Тоқмулина бошчилигида ўрта мактаблар битирувчи синфлари билан йил давомида фаол равишда иш олиб борилади. Яъни, уларга коллеждаги йўналишлар, касблар ҳақида кенг тушунтиришлар берилади ва ўқувчилар ҳамда уларнинг ота-оналари ўртасида тарғибот-ташвиқот қилинади. Масалан, март ойида Чилонзор ва Учтепа туманларидаги 195, 103, 128, 201, 270, 107, 203, 297, 196, 136, 78, 194-мактабларда ўқувчилар ташкил қилинган ҳамда тажрибали ўқитувчилар иштирокида малакали маслаҳатлар берилди, коллежда ўқувчиларга яратилган имкониятларга тўхталди.

Айни кунларда коллежизмиз ўқувчилари аънавий ўтказилган «Таълим—2007» кўрик-танловининг пойтахтимиз миқёсидаги тадбирига пухта тайёргарлик кўрмоқда. Уларни кўлаб-қувватлаш, мадад бериш эса биз педагоглар зиммасида. Шу боис ҳам аҳил жамоамиз ўқувчи-ёшларга билим бериш, касб-хунар ўргатиш, жумладан, уларнинг ҳаёт йўллари тўғри танлай олишларида муносиб ўрин тутишимиз учун доимий изланишда.

Мўқаддас УМАРБЕКОВА  
**СУРАТЛАРДА: Тошкент Радиотехника ва Автоматика касб-хунар коллежи ҳаётидан лавҳалар.**




давлатида бўлиб, малака ошириб кайтдик. Бундан ташқари, ўқув жараёнини юқори даражага кўтариш, ўқувчиларга касбий кўникмаларни шакллантириш, ишлаб чиқариш амалиётларини самарали олиб боришда малакали ўқитувчиларимиз— Ҳикмат Исло-

самарали фаолият юритмоқда. Жумладан, ушбу мақсадларда ўқув йили давомида режа асосида турли тадбир, учрашув, давра суҳбатлари ва албатта, кўрик-танлов, «Очик эшиклар кўни», «Касб фестиваллари» ўтказилади. Консультатив марказ раҳбари Зайну-



Мўқаддас УМАРБЕКОВА  
**СУРАТЛАРДА: Тошкент Радиотехника ва Автоматика касб-хунар коллежи ҳаётидан лавҳалар.**



Анча йиллар давлат корхонасида ишлаганм. Ҳозирда эса хусусий бизнес билан шугулланмоқчиман. Иш бошлашим учун шахсий жамғарим етарли эмаслиги боис, яқин танишимдан қарз олмақчиман. Қарз берувчи ва уни олувчи ўртасидаги қарз миқдориди фарқ қандай белгиланиши керак? Шу тўғрисида батафсилроқ билимчи эдим.

**Билал Азимжонов, Мирзо Улугбек тумани.**

Агар нотариял идорада тасдиқланган шартномада бошқа тартиб назарда тутилмаган бўлса, қарз берувчи ва қарз олувчи ўртасидаги қарз миқдоридан келиб чиқиб, физик тўлаш тўғрисида шарт белгиланиши мумкин. Унда фойз олиш тартиби ва миқдори шартнома билан белгиланади. Агар фойз тўлаш тартиби ва муддати шартномада белгиланмаган бўлса, унда асосий қарзини қайтариш учун шартномада назарда тутилган тартибда ва муддатларда амалга оширилиши шарт.

## «КЕЛАЖАККА САРМОЯ»

**МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЁШ АВЛОДНИНГ БАРКАМОЛ РИВОЖЛАНИШИ БОРАСИДА ГАМҲУРЛИК ҚИЛИШ МАМЛАКАТИМИЗДА ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ишлаб чиқилгани ва амалда кенг қўлланилаётгани бу борарада муҳим омили бўлмоқда. Зотан, янги авлод — жамият ва халқ таянчидир. Мамлакат равнақи кўп жиҳатдан ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, интилишлари ва сайёҳ-харакатига боғлиқ.

Ўтган даврда халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилган ва мамлакатимиз таълим тизимида муваффақиятли амалга оширилаётган мазкур миллий дастурлар асосида ёш авлодга таълим-тарбия беришнинг улуслик тизими яратилди. Натижада мамлакатимизда таълим соҳасида тарихан қисқа даврда туб ижобий ўзгаришлар юз берди. Бугунги кунда мамлакатимизда аҳолининг саводхонлик даражаси 99,3 фоизни ташкил этади, бу рақам — дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардандир.

Айни пайтда, мактаб таълимини тубдан яхшилаш, энг замонавий талабларга жавоб берадиган ўқув-моқддий база ва таълим стандартларини яратиш, қишлоқ ва шаҳар мактаблари моддий базаси ҳамда жиҳозланишидаги тафовутларни босқичма-босқич бартараф этиш, ўқитувчилар меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантириш асосида фарзандларимизнинг ўқиши учун тенг шароитлар яратиш борасида кўплаб натижаларга эришилаётгани қувонарлидир.

Буларнинг барчаси Ўзбекистонда таълим дастурлари ижроси йўлида келажакка жалб этилаётган сармоялар бераётган дастлабки самаралардандир. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва «Маънавият» нашриёти ҳамкорлигида нашр этилган «Келажакка сармоя» рангли-безакли альбом-китоб шу ҳақда хикоя қилади. Янги нашрда Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг ўзига хос хусусиятлари, истиқлол йилларида мамлакатимиз таълим соҳасида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар бераётган самаралар, халқ таълими соҳасида эришилаётган ютуқлар ўзифодасини топган.

Ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги ушбу китоб-альбом Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида chop этилди.

(ЎЗА)

## Иқтисодиёт

### ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОРТАДИ

**ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТ СИФАТИ ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ИЗЛАНИШЛАР АСОСИДА ТАЪМИНЛАЁТГАН ТАДБИРКОРЛАРИМИЗ ХОРИЖЛИК ҲАМКОРЛАР БИЛАН ҲАМ МУСТАҲҚАМ АЛОҚАДА БЎЛИБ ЭКСПОРТ ҲАЖМИНИ ОШИРИШГА САЛМОҚЛИ УЛУШ ҚЎШИЯПТИ.**

Ана шундай жамоалар орасида 1996 йилдан буён фаолият кўрсатаётган «Камол топ» хусусий ишлаб чиқариш тижорат корхонасининг алоҳида ўрни бор. Чунки бир неча йилдирки, тадбиркорларнинг сайёҳ-харакатлари, бозорни ўрганиш асосида тайёрлаётган трикотаж маҳсулотлари Жанубий Корея, Украина ва Россия давлатларига ҳам экспорт қилинмоқда. Бугунги кунга келиб корхонада фаолият кўрсатаётган 19 нафар малакали ходимнинг меҳнатлари эвазига турли моделдаги аёллар, эркаклар ва болалар устки трикотаж кийим-кечаклари тайёрланмоқда. Маҳаллий хом ашё — 100 фоиз пахтадан тўкиб тикилаётган ушбу кийим-кечакларнинг турлари йилдан-йилга ортиб бораёпти. Биргина ўтган йилда 50 та моделдаги кийим-кечаклар тайёрланиб, харидорларга етказишга муваффақ бўлинди.

— Ўтган йилда Украинага 25 минг долларлик трикотаж маҳсулотларини экспорт қилдик,— дейди корхона раҳбари Шоира Мусаева.— Жорий йилда экспорт ҳажмининг ошириб, Россия давлатидаги харидорларимизга товарлар етказиб берамиз. Бугунги кунда янги маҳсулот—замонавий эркеклар кўйлагига тайёрланиш йўлга қўйдик. Шунингдек, ички бозоримизни четдан келтириладиган товарлар ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдиришда муҳим ҳиссамизни ҳам қўшяпмиз.

Корхона раҳбари Шоира Мусаеванинг «Ташаббус—2007» кўрик-танловининг Учтепа туман босқичида голиб бўлгани ва пойтахт босқичида «Энг яхши тадбиркор аёл» номинациясини кўлга киритганилиги ҳам ютуқлардан далолат беради.

### ТУРЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

**«AMIN MEVEL» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИНИНГ ИШ БОШЛАНИШИ ЭНДИГИНА ОЛТИ ОЙ БЎЛСАДА, ЛЕКИН ТАЙЁРЛАНАЁТГАН МЕБЕЛЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ ҲАМДА ТУРЛАРИНИНГ ОРТИБ БОРИШИ ХАРИДОРЛАРИНИ МАМНУН ЭТМОҚДА.**

Корхонанинг иш бошлаши натижасида 15 нафар одам иш билан таъминланди. Офис, ётоқхона, ошхона, болалар мебель маҳсулотлари, эшиклар ишлаб чиқарилаётган ушбу корхона товарларига нафақат мамлакатимизда, балки Қозғоғистон, Қирғизистон давлатларида ҳам харидорлар бор.

— Ана шу давлатларга мебель маҳсулотлари етказиб бериш учун буюртмачилар талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб сифатга, мебель турларига алоҳида эътибор қаратяпмиз,— дейди корхона менежери Мухтор Бобмуродов.— Шунингдек, бозорни ўрганиш асосида янги маҳсулот турларини тайёрлаш устида ҳам изланипмиз. Йил охиригача алюмин, пластика хом ашёлардан эшик ва ромлар тайёрлаш ниятидамиз. Маҳсулотларимизнинг бир қисmini экспорт қилишни режалар турибмиз. Янги цехнинг ишга тушиши эса қўшимча ишчи ўринлари яратилишида зарим бўлади.

**Шаофат БАХРОМОВА**

ШОДИЁНАЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

НАВРҲУЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ ШОДИЁНАЛАРИ КОРХОНА, ТАШКИЛОТ, МУАССАСАЛАРУ МАХАЛЛАЛАРДА ДАВОМ ЭТМОҚДА. ЗИЁЛИЛАР ВА ОЛИМЛАР МАСКАНИ ХИСОБЛАНМИШ СОБИР РАҲИМОВ ТУМАНИДАГИ БЕРУНИЙ НОМЛИ МАХАЛЛАДА ҲАМ ЯШАРИШ ҲАМДА ЯНГИЛАНИШ АЙЁМИ ҲУЗГАЧА РУҲДА НИШОНЛАНДИ.



Шу кунни янгидан чирой очган маҳалла гузарига тузалган, сумалак, кўк сомса каби баҳор неъматлари ўрин олган дастурхонга табаррук отахону онахонлар, маҳалла ривожига камарбаста бўлиб турган инсонлару фаоллар, кам таъминланган оилалар вакиллари тақлиф этилди. Байрам тадбирини очар экан

ушбу маҳалла ободончилигига катта ҳисса қўшган собиқ оқсоқол Саиднаби ота Саидқаримов кейинги пайтларда фуқаролар йиғинининг янги серғайрат, ҳаракатчан раиси бошчилигида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилганлигини алоҳида таъкидлади ва бундай хайрли ишлар давом этишига ният билдирган ҳолда кутлуғ айём билан барчани табриклади.

Туман ҳоқими Бахтиёр Ҳақимов ҳам озов ва обод юртга байрамлар ярашишини қайди этиб, маҳалладошларни энг эзгу дил сўзлари ила кутлади.


277-мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари ҳамда маҳалла ҳудудига жойлашган 249-мактаб бадийи ҳаваскорлари ихросидаги Наврўз, баҳорга бағишланган қувноқ шеърлар, шўх рақслардан иборат концерт дастури йиғилганларга хуш кайфият бахш этди.

Сўнг маҳалла ҳаётига кўп йиллар бош-қош бўлган заҳматкаш инсонлар Р.Раҳимов, С.Саидқаримовларга миллий анъанамизга кўра чопон кийгизилди. Шунингдек, маҳалла жонқурлари Раёно Раҳимбекова, Матлуба Муҳиддинова, Жаннат Исмомлова, Адолат Шойносова, Хуршид Азимов, Носир Валиев, Бахтиёр Исаев ва бошқаларга қимматбахо совғалар, Фахрий ёриқлар топширилди.

Суратларда: Беруний маҳалласида ўтган байрам тадбиридан лавҳалар. Ҳақимжон Солиқов олган суратлар



САҲОВАТДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙЛИК



Мамлакатимиз пойтахти—Тошкент шаҳрида жойлашган, ҳақимиз маънавий меросининг узвий бир қисми бўлган Ҳазрати Имом (Ҳасимом) мазоридий мажмуасида қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш мақсадида «Ҳазрати Имом (Ҳасимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» Президентимиз томонидан қабул қилинган Қарор бутун ҳамюртларимизнинг кўнгилларини хушнуд этди.

Ҳазрати Имом (Ҳасимом) жамоатчилиги ташкил қилиниши, унинг инсонпарварлик ғояларини кенг ёйишига хизмат қилиб келаётган йирик илмий-маърифий марказининг асл тарихий қиёфасини тиклаш, бу ерда кенг кўламда қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфраструктурасини ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим ўрин тутди.

Ҳазрати Имом (Ҳасимом) жамоатчилиги ташкил қилиниши, унинг инсонпарварлик ғояларини кенг ёйишига хизмат қилиб келаётган йирик илмий-маърифий марказининг асл тарихий қиёфасини тиклаш, бу ерда кенг кўламда қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфраструктурасини ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим ўрин тутди.

Ҳазрати Имом (Ҳасимом) жамоатчилиги ташкил қилиниши, унинг инсонпарварлик ғояларини кенг ёйишига хизмат қилиб келаётган йирик илмий-маърифий марказининг асл тарихий қиёфасини тиклаш, бу ерда кенг кўламда қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфраструктурасини ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим ўрин тутди.

Ҳазрати Имом (Ҳасимом) жамоатчилиги ташкил қилиниши, унинг инсонпарварлик ғояларини кенг ёйишига хизмат қилиб келаётган йирик илмий-маърифий марказининг асл тарихий қиёфасини тиклаш, бу ерда кенг кўламда қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфраструктурасини ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим ўрин тутди.

НАВРҲУЗ БИЛИМДОНЛАРИ АНИҚЛАНДИ

ҚАЛБЛАРИМИЗГА ОЛАМ-ОЛАМ ҚУВОНЧ ВА ШОДЛИК УЛАШАЁТГАН НАВРҲУЗ АЙЁМИ ҲУЗГАЧА, ТАРОВАТИ БИЛАН ДИЛЛАРИМИЗНИ НУРАФШОН ЭТМОҚДА. ЖОЙЛАРДА КАРНАЙ-СУРНАЙ НАВОЛАРИ ЯНГРАБ, НАВРҲУЗ БАЙРАМИГА ЧОРЛАМОҚДА. ЁШУ КЕКСА ЙИГИЛГАН ДАВРАЛАРДА КАТТА ДОШҚОЗОНЛАРДА СУМАЛАГУ ҲАЛИМЛАР ПИШИРИЛМОҚДА. НАВРҲУЗ НАШИДАСИ, АЙЁМ ТУҲФАСИДАН КЎНГИЛЛАР ЯЙРАМОҚДА.

Юнусобод тумани Маънавият тарғибот маркази ташаббуси билан Тошкент Туризм касб-хунара коллежидида ўтказилган кўрик-танлов ҳам «Ассалом, Наврўз!» деб номланди. Танловда Юнусобод туманида жойлашган 12 та ўрта махсус ўқув юртлири ўқувчилари иштирок этдилар. Мазкур танлов шартлари деворий газетани тайёрлаш (ўқув юртини шеърли тарзда таништириш), мазали ва фойдали салат тайёрлаш, «Ассалом, Наврўз» сахна кўриниши ва ниҳоят эркин мавзудан иборат бўлди. Тадбирда ўқувчилар ўзларининг Наврўз ҳақидаги билимларини, зукколикларини намоён этиб, муносиб баҳо олдилар. Қизиқarli ўтган бешлашувда икки жамоа — Шарқшунослик лицейи йиғитларидан ташкил топган «Парварда» ҳамда Тошкент туризм касб-хунара коллежи қизларидан ташкил топган «Иқбол» жамоалари кўриниши, энг чиройли либос, энг фаол ва ақил жамоа номинациялари бўйича ҳамда голиб ўқув юрти ҳам муносиб тақдирландилар.



Наврўз оламга бағишлаб ниҳоятда қизиқarli ва мазмунли ўтган кўрик-танлов талаба-ўқувчиларда унутилмас таассурот қолдирди.

Иккинчи ва учинчи ўринлар эса юридик ва Молия лицейи ўқувчиларига насиб этди. Танлов катнашчилари «Ассалом, Наврўз» билимдони, энг мазали салат, энг ҳажвий сахна қор кўйини ёриб бойчечак, Чирой очиб чиқди беғубор, Бодом гуллаб гўё келинчақ, Зоб тарати, келди навбахор, Ёзди юртда кенг ҳанот Наврўз, Қир-адирлар бўлди долзор, Эл кўрксига тегмасин ҳеч кўз, Яшнаб равнақ топсин бу дийр.

Назм ПОЙҚАДАМИНГ МУБОРАК, НАВРҲУЗ!

Қор кўйини ёриб бойчечак, Чирой очиб чиқди беғубор, Бодом гуллаб гўё келинчақ, Зоб тарати, келди навбахор, Ёзди юртда кенг ҳанот Наврўз, Қир-адирлар бўлди долзор, Эл кўрксига тегмасин ҳеч кўз, Яшнаб равнақ топсин бу дийр.

Баҳор фаслин бахш этган Худо, Наврўзни ул қадим аждодлар, Бу байрамдан бизларни жудо, Қилмоқ истаб, келди агёрлар, Бахтимизга бўлди Истиқлол, Қадриятлар қайта тикланди, Халқ байрамин кутлар беэвола, Ватан меҳри унга уланди.

Хуш келисан гўзал навбахор, Зебо сенинг қалбини сеҳрлар, Наврўз билан шодлик нуриқор, Ўзбек дўстлик, жўшқин меҳрлар, Мангу яна эй қадим байрам, Пойқадаминг кутлуғ, муборак, Хур Ватанда яшаринг бирим, Бу тинчликдан, равнақдан дарак.

Қор кўйини ёриб бойчечак, Чирой очиб чиқди беғубор, Гулдан ясаб гўзал беланчақ, Юртга келди Наврўз, навбахор, Завқ шавққа беланди атроф, Аёжда садо берар хуррамлик, Ҳажжиз эмас, ҳақ бир эътироф — Ёзда мавжуд дўстлик, бирдамлик.

Бахриддин НАСРИДДИНОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

ЖАМҒАРМА ФАОЛИЯТИНИНГ ЖАҲОНИ ЭЪТИРОФИ

Япония пойтахти Токио шаҳрида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг фаолиятига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Давра суҳбатида ЮНЕСКОнинг Осие ва Тинч океани ҳудудигада Маданият маркази раҳбари К. Сато жамғарма фаолиятига ҳолис баҳо берди: «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг халқаро миқёсдаги фаолияти географик жиҳатдан бир-биридан йироқ бўлган давлатларни яқинлаштиришда, ўзига хос маданиятга ва анъаналарга эга бўлган халқларни бир-бирини тушунишга, доимо аҳилликда яшашга интилишида муҳим ўрин тутмоқда».

Давра суҳбати иштирокчилари ЮНЕСКОнинг Париждаги штаб-квартираси ҳамда жамғарма ўртасидаги ҳамкорлик масалаларига эътибор қаратдилар. Айтиш жоизки, ЮНЕСКОнинг «Санъат соҳасида халқаро ҳамкорлик» деб номланган дастури қабул қилингандан сўнг алоқалар ҳар томонлама кенгайиб, ривож топди. Жумладан, «Офарин» замонавий рақс санъати театри билан лойиҳада иштирок этиб, хоризждаги муҳлислар эътиборини қозонди. Ўзбекистон тарихи ва анъаналари ҳақида ҳикоя қилувчи фотокўргазма ҳамда миллий рақс либослари, халқ амалии санъатининг юксак намуналари намойиш этилди.

КИТОБ — МАЪНАВИЯТ БЕШИГИ

ПОЙТАҲДАГИ ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИДА ФАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ, «ЁШЛИК» ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИ ҲОКИМЛИГИ, ШАҲАРЧА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ ҲАМКОРЛИГИДА «КИТОБ — МАЪНАВИЯТ БЕШИГИ» ШИОРИ ОСТИДА АНЖУМАН ҲУЗГАЗИЛДИ.

Ўзбекистон Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш тўғрисида»ги қароридида бадий, маънавий-маърифий ва бошқа долзарб мавзулардаги китобларни изчил чоп этиш ва уларни тарғиботчилар ҳамда кенг жамоатчиликка етказиш асосий вазифалардан бири этиб белги-ланган эди. Шу қарор асосида жуда кўп ишлар амалга оширилди.

Жумладан Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи ҳар йили муштарийларга икки ярим миллион хухадаги уч юздан зиёд номдаги китоблар, дарслиқлар, санъат альбомларини етказиб бермоқда. Нашриётда мумтоз, ҳозирги замонда жаҳон адабиёти намуналари, оммабол ва санъат оид турли китоб ва альбомлар, буклет ва плакатлар чоп этилмоқда.

Нашриётда шу кунгача Алишер Навоийнинг ўн беш жилдик асарлари, Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асари, Машраб, Бедел, Бобур, Нодира, Увайсий, Фурқат каби ўзбек мумтоз шоирларининг ва ҳозирги кун халқ шоирлари ва ёзувчиларининг асарлари чоп этилди.

Анжуманда Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи раҳбари Лазиз Тангриев, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокими Рўзимурод Чориев нутқ сўзлади. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Примкул Қодиров, Ўзбекистон халқ шоираси Халима Худойбердиева билан бўлган мулоқот талаба ёшлар ва ўқитувчиларда катта таассурот қолдирди. Анжуман сўнгига талаба ёшларнинг ижодидан намуналар тингланди. «Ёшлик» шаҳарчасида китоб ярмаркаси ташкил қилинди.

«Туркистон-пресс»

Солиқ ЙИЛЛИК ДАРОМАД ДЕКЛАРАЦИЯСИ

уни кимлар топширини керак?

МАЪЛУМКИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОЛИҚ КОДЕКСИНИНГ 62-МОДДАСИДА АСОСИЙ ДАРОМАД МАНБАЛАРИДАН ТАШҚАРИ ҚЎШИМЧА ДАРОМАД МАНБАЛАРИГА ЭГА БЎЛГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИ, ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАР, ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАРИ ҲИСОБОТ ЙИЛИ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА 183 КУН ВА УНДАН ОРТИҚ БЎЛГАНЛАРГА— РЕЗИДЕНТ СИФАТИДА ҚАРАЛИБ, УЛАР МАЗКУР МОДДАГА АСОСАН ЎЗЛАРИНИНГ ДОИМИЙ ЯШАБ КЕЛАЁТГАН МАНЗИЛИДАГИ ТУМАН ДАВЛАТ СОЛИҚ ИДОРАЛАРИГА ҲИСОБОТ ЙИЛИДАН КЕЙИНГИ ЙИЛНИНГ 1 АПРЕЛИГА ҚАДАР УМУМИЙ ЙИЛЛИК ДАРОМАДЛАРИ ЮЗАСИДАН ДАРОМАД ДЕКЛАРАЦИЯЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТИШЛАРИ БЕЛГИЛАНГАН.

Масалан, 2006 йил учун 2007 йилнинг 1 апрелига қадар декларация топширилади. Биз билан суҳбатда Бектемир туман Давлат солиқ инспекцияси бош давлат солиқ инспектори Муҳиддин Мусаев даромад декларациясининг мазмун-моҳияти, умумий йиллик даромадлар ва қўшимча даромад манбалари хусусида қуйидагиларни гапириб берди. — Даромад декларациясини дейилганда декларация топширувчи фуқаро —резидент, ҳисобот йилида олган умумий даромадларини давлат бюджети олдида қонунийлаштириши, яъни ошқора баён этиши маъносини тушуниш керак. Умумий йиллик даромадлар қайси даромадлар бўлиши ҳақида қўшмача тушунтириш берайлик. Фуқаро меҳнат дафтари-наси асосида бирор юридик шахс билан амалдаги қонунларга кўра меҳнат шартномаси тўзиб, шу шартномага кўра юридик шахс томонидан берилган вазифаларни бажариши ҳисобига унга даромад оидлик, лавозим маоши кўринишида бериллади. Бундан ташқари шу шартномада кўзда тутилган рағбатлантириш мақсадида фуқарога мукофотлар, қўшимча тўловлар, моддий ёрдам, совға-салом, дивидендлар ва бошқа кўринишдаги моддий даромадлар бериб борилиши мумкин. Бу даромадлар асосий даромадлар деб тан олинди, яъни меҳнат дафтари-наси асосида олинган барча турдаги маошлар, моддий бойлиқлар ва ҳокказолар фуқаронинг асосий даромадлари бўлади. Бундан ташқари фуқаро фуқаролик меҳнат шартномаси асосида юридик ёки жисмоний шахслар билан бирон бир иш бажариши, хизмат кўрсатиши орқали ҳам даромад олиши мумкин. Бу турдаги даромадлар қаторига ўриндошлик, вақтинчалик меҳнат шартномаси асосида олинган даромадлар, бошқа юридик шахслар томонидан берилган дивиденд, моддий бойлиқлар, моддий ёрдам, совғалар, тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадлар, бонуслар, гонорорлар, шахсий хўжалик фаолиятини юриштиридан олинган даромадлар, ўзига тегишли мол-мулкларни —уй-жойи, автомобилуовлар, ишлаб чиқариш воситалари, товар-моддий бойлиқларини ижарага бериш орқали олинган даромадлар ва шу каби даромадлар киряди. Фуқаро томонидан асосий ва қўшимча даромадлар Ўзбекистон Республикасида ёки бошқа давлатларда олиниши мумкин. Амалдаги Солиқ кодексидида йиллик даромад декларацияларини асосий даромад манбаларидан ташқари қўшимча даромад манбалари бўлган фуқаролар расмийлаштиришлари кўрсатилган. Демак фақатгина меҳнат дафтари-наси асосида даромад кўрувчи фуқаролар декларация топшириш мажбуриятдан озод этила-дилар.

Йиллик даромад декларацияларини расмийлаштиришда фуқаро томонидан ҳисобот йилида олган барча даромадларини тақдирловчи расмий маълумотлар тақдим этилади. Шу маълумотлар ва туман ДСИларида мавжуд бўлган маълумотлар асосида фуқаронинг ҳисобот йилидаги жами даромадлари аниқланади, ҳамда шу даромадларни олиш даврида давлат бюджети тўланган солиқлар жамланган. Аниқланган жами йиллик даромаддан амалдаги қонунларга кўра солиққа тортилиш кўзда тутилмаган даромадлар, чегирилмалар айриб ташланиб (Солиқ кодексининг 58, 59-моддаларига асосан), қолган даромад миқдорига солиқ солиш ҳақидаги кўра даромад солиғи ҳисобланади. Ҳисобланган даромад солиғи ва ҳисобот йилида тўланган даромад солиқлари йиғиндиси ўртасидаги фарқ аниқланади. Агарда фарқда фуқаро томонидан давлат бюджети га ҳисобот йили даврида кам даромад солиғи ундирилганлиги аниқланса, у ҳолда фуқарога шу фарқни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 июнига қадар давлат бюджети га тўлашини билдирувчи тўлов хабарномаси топширилади. Мисол учун 2006 йил ҳисобот йили деб қаралса, тўлов 2007 йилнинг 1 июнига қадар амалга оширилиши лозим.

Даврон ИСМАТОВ

БУТУНЖАҲОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТАШКИЛОТИ ТАКЛИФИ БИЛАН 24 МАРТ—БУТУНЖАҲОН СИЛ КАСАЛЛИГИГА ҚАРШИ КУРАШ КУНИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН. БУ ЙИЛ УШБУ САНА «СИЛ ҚАЕРДА БЎЛСА — ЎША ЕРДА СИЛ МАВЖУД» ШИОРИ ОСТИДА НИШОНЛАНМОҚДА.

Сил — юқумли касаллик ҳисобланиб ҳамма аъзоларни (суяклар, бўғимлар, мия қоқлиқлари, буйрак, жинсий аъзолар, тери, кўз ва ҳоказо) шикастлаши мумкин. Лекин асосан ўпка шикастланади. Айнан ўпка сили билан касалланган бемор атрофга сил таъқаларини тарқатади ва одамларга ушбу касаллик юқишига сабаб бўлади. Кунни кеча Бутунжаҳон силга қарши кураш кунни муносабати билан Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ҳамда Республика Саломатлик институти ва шу институтининг шаҳар филиали ҳамкорликларидида матбуот анжумани ўтказил-

Саломатлик ДОТС ДАСТУРИ АСОСИДА

ди. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси вакиллари, сил касаллиги бўйича мутахассислар, шифокорлар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар. — Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра ҳозирги вақтда бутун дунёда ҳар йили 10 миллион киши сил касали билан касалланади ҳамда 3 миллион киши шу касаллик тўғрисида дунёдан кўз юмади.— дейди Пульмонология ва физиотриятра илмий текшириш институти директорининг ўринбосари Даврон Мухторов.— Бу касалликнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у ўсимирлар ва ёшларни, тўғизи ёшдагиларни кўпроқ зарарламोқда. Шунни айтиш керакки, ўпка касалликларининг ке-

тиришга ҳаракат қилинмоқда.

Маълумки, 1999 йилдан бошлаб Ўзбекистон ҳукуматининг ташаббуси ва халқаро жамятларнинг маслаҳат ва молиявий ёрдамлари билан силга қарши курашининг янги стратегияси ДОТСни таъбиқ қилиш бошланди. Мазкур стратегия Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан бу касаллик кўп тарқалган мамлакатлар учун тавсия қилинган. ДОТС силга қарши дастур бўлиб, касаллик балғамини микроскопия усулида аниқлаш, беморлар учун юқори самарали стандартланган даволаш тартиби ва дориларни назорат остида қабул қилишга асослангандир. Шунни таъкидлаш керакки, Тошкент шаҳрида 2004 йилдан бошлаб барча туманларда ДОТС дастури бўйича сил касаллигини аниқлаш ва даволаш ишлари олиб боришмоқда. Матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари ходимларининг сил касаллигига доир саволларига мутахассислар тўлиқ жавоб бердилар.

Дилором ИКРОМОВА

03-03 ЎРТАНИШ ДОМО БУЛАВ...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Улус бўлса маъмур бир ганж эрур, Ки андин жаҳон фатҳи осон бўлур. Дунёда ҳар қандай қийинчиликларни ҳал қила оларлик хазина—ҳалқнинг тўқ ва шод яшашидир. Умрин аблаҳ кечуруб гафлат ила, Нукта ўрнигаки, тортар харрос. Бир эшакдурки, тагофул азодин, Қилгай изхор паёнай юзид. Нодон киши умрини бекорчи сўзларга сарф қилиб ўтказиши билан вақтсиз кетма-кет ҳангрочни эшакка ўхшайди. Ушоқ қанд оқ тузга монанд эрур, Ва лекин бири туз, бири қанд эрур. Кўринишда шаҳарнинг туздан фарқи йўқдир, лекин биттаси туз, биттаси қанддир. Умр эрур тақвию тоат учун, Тенгри буюрғонга итоат учун. Умидим буки, умидингга етгил! Улуғ бўлгон сойи бечора бўлдум, Диёру мулқдин овора бўлдум.

Улки, эл кўрмагунча бермас—лаимдур, саҳий эмас. Тилаб бергандин ҳам сахидин йироқ бил; ибром била бергандин бермаганни ахшироқ бил. Эл кўрмагунча бермайдиган киши саҳий эмас, хасидир. Сурамагунча бермайдиган қишини ҳам саҳийлиқдан узок бил. Қистов билан бергандин бермаган маълум. Ул кўнгулғаким, қаттиқ сўз рещдек бўлғай, аччиқ тил захролуд нешдек бўлғай. Каттиқ сўздан озор етадиган кўнгулғай аччиқ сўз зарҳари тиг каби жароҳат етказилади. Умр чун фоний эмиш, гар киши олам шахидур, Чун ўлар, невчун этар мунча таазум, ё Раб? Умр ўткинчи эмиш, агар киши оламнинг шоҳи бўлса ҳам, оқибат ўлар эмиш, шундай экан, эй Худо, бунча кибру гурур не учун? Улки, эрмас ишқи поку сажда айлар кўрса хусн,

Уйлалурким, айлағай фосиқ таҳоратсиз намоз. Ишқи пок бўлмай, ҳар гўзални кўрганда сажда қиладиган киши таҳоратсиз намоз ўқийдиган ярамасга ўхшайди. Умрга чун йўқ вафо, Тенгри неча бу даҳрча Ёна халқ айлаб, санга ҳукме муқаррар бўлди, тут. Умрининг вафоси йўқ. Худон таоло бу дунёдаги ҳақиқат одамларни бир неча марта яратган. Ҳозирча нават сеники эканлигини унутма. Умрга ҳеч эътимоде йўқтур, эй гофил кўнгул, Ою йилни неча маст ўткарғасен, бир ҳам ойил. Эй гофил кўнгул, бу ўткинчи умрга ишонч йўқ, бас, нега ою йилларни масту беҳудлик билан ўтказаясан, ҳеч бўлмаса бир бор ақлу хушингни йиғиштириб, хушёр тортсанг-чи! Умр торин чун кесар даврон жафо тиги била, Жазм билгилким, анга бўлмас кўнгулни боғлабон. Замон жафо тиги билан умр торини кесади, бас, унга кўнгул боғлаб бўлмаслигини яхши бил. Умр базмида нашот асбоби дилқашдур баса, Гар ҳаводис шахнасиндин анда яғмо бўлмаса.

Агарда ҳодисалар миршаби талон-тарож этмаса, умр базмида хурсандчилик воситалари бўлганига нима етсин! Улки, Холиқга шукр дер, аввал Шокир ўлмоқ керак халойиқдин. Кимки махлуқ шукрини демағай, Демағай даги шукр Холиқдин. Худого шукр дейдиган киши аввал одамларга шукр айтиши керак. Одамлардан ношукр бўлган киши Худого ҳам шукр қилмайди. Уч феъл эрур кишига қотил охир, Котиллик аро захри ҳалоҳил охир: Бухл анга бирин, бирин ҳаво бил охир, Кил ужбин ҳар аларга доҳил охир. Уч ёмон иллат кишининг қотили, ҳатто ўлдирувчи захардир. Уларнинг бирини—қурумсоқлик, иккинчисини—худбинлик деб бил ва кибру гурурни ҳам улар қаторига қўш (учинчи қилиб).

Уч қисм ила иймонга бино фаҳм айла, Аввалгисини анинг ҳаё фаҳм айла, Иккинчисини даги вафо фаҳм айла, Учунчини билмасанг, сахо фаҳм айла. Иймон биносини уч қисмдан иборат деб англа: биринчиси—ҳаё, иккинчиси—вафо, учинчиси—саҳийлик. Улким, қўлида дурри лаоли бўлғай, Фамнинг анга қайда эҳтимоли бўлғай, Муфлис бўлмоқ тараб заволи бўлғай, Фамгиндурур улки, илга холи бўлғай. Қўлида қимматбаҳо гавҳар бўлган кишининг гами бўлмайди. Қашшоқлик хурсандчилик қилишга имкон бермайди. Шунинг учун қўли бўш одамнинг қайғуси кўп бўлади. Уйку неча ишрату сурурун бирла, Кўзунг қаро айламак гурурун бирла, Тийра кеча тоат эт хузурун бирла, Кабринг уйини ёрут бу нурун бирла. Қачонгача кайфу сафо ва уйку билан умрингни ўтказасен? Фурурга маст бўлиб, кўзингни зулмат пардасига ўрайсан? Ундан кўра, қоронғу кечаларда ихлол билан ибодат қилиб, тоат нури билан қабрингни мунавар қилсанг-чи!


Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Тошкент шаҳар Маданият институти томонидан 1990 йилда Мирабидова Доно Миркаримовна номига берилган РВ№892999 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ Буюртма Г- 206

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Спорт янгиликлари



ЧЕМПИОНАТ ҚИЗГИН ПАЛЛАГА КИРМОҚДА

ШАҲРИМИЗДА 64 КАТАКЛИ ШАШКА БЎЙИЧА ЎСМИРЛАР ВА ҚИЗЛАР ЎРТАСИДА ТЎРТТА ЁШ ГУРУҲИ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ БАҲСЛАРИ ҚИЗГИН ПАЛЛАГА КИРМОҚДА.

Ҳозирча дастлабки босқинда тўққиз тур давомидида ёш шашкачилар беллашадиган бўлса, шундан бешта тур учрашувлари нихоясига етиб, илк пешқадамларнинг номлари маълум бўлди. Хусусан, 10 ёшгача бўлган энг кичик ёшдаги спортчилар ўртасида Мугулистон вакили Сергей Бемба кучлилар сафини бошқармоқда. Шу ёш тоифасидаги қизлар беллашувида юртдошимиз Шахноза Қосимова барча учрашувларни галаба билан яқунлагани ҳолда ягона пешқадам бўлиб олди. 14 ёшгача бўлган шашкачи-

лар турнирида эса жаҳон чемпионатларида кўп бор иштирок этиб, салмоқли галабаларга эришган республикамиз вакиллари Саидқосим Алиев ва Гулсум Алиевалар ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори погонасини банд этиб туришибди. Бинобарин, уларнинг чемпионатда галаба нашидасини суришлари учун барча имкониятлар етарли. Қизғи шундаки, 15-16 ёшли ўсмирлар ва қизлар ўртасида галаба учун кураш ҳамюртларимиз ва Қозғистон шашкачилари ўртасида кечмоқда. Яъни ушбу мусобақаларда дастлабки икки ўринни ҳозирча ҳар иккала мамлакат спортчилари эгаллаб туришибди. Нихоят, 20 ёшгача спортчилар ўртасида Ўзбекистон, Мугулистон ва Қозғистон шашка усталари энг кўп очко жамгар-



ган ҳолда олдинда бормоқда. Классик шашка бўйича чемпионлар икки кундан кейин аниқланади. Сўнг 31 мартагача қадар тезкор шашка бўйича Осийё чемпионати баҳслари ўтказилади. (Ўз мухбиримиз) СУРАТЛАРДА: чемпионат баҳсларидан лавҳалар. Азамат Аҳмедов олган суратлар

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ — ГОЛИБ

ШАҲРИМИЗДАГИ 14-БОЛАЛАР ВА ЁСМИРЛАР СПОРТ МАКТАБИДА 6-11 ЁШЛИ ҚИЗЛАР ЎРТАСИДА БАДИЙ ГИМНАСТИКА БЎЙИЧА ТУРНИР ЎТКАЗИЛДИ.

Эътиборли жиҳати шундаки, Тошкент шаҳри ҳамда мамлакатимиз вилоятларининг умидли ёш спортчилари қаторида қўшни Қозғистондан кел-

ган қизлар ҳам ушбу турнирда голиблик учун кураш олиб боришди. Қизқарлик кечган баҳслар якунида эса бадий гимнастиканинг турли йўналишларида голиблик ҳамшаҳарларимиз Вероника Плетухина, Надежда Ким ва Анна Карим-жоноваларга насиб этди. Турнир якунида голиб ва совриндорларга совринлар, эсдалик совгалари тўхта этилди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон банкилари Ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ, 2007 йил 1 май куни соат 11:00 да «Ўзбекистон банкилари Ассоциацияси» биносида ўтказиладиган очик аукцион савдоларида Шайхонтоҳур туман суд ижрочилари бўлинимаси томонидан 1632-34/3-сонли ижро ҳужжатида асосан тақдим этилган Тошкент шаҳар Муқимий кўчаси, 43-уй манзилдаги АТ-Пахта банк» ҳовлисида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситаларини кўймоқда. 2004 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 10 АХ 709 бўлган «НЕКСИЯ-ДОНС» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси-9 536 200 сўм. 2003 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 10 АХ 011 бўлган «НЕКСИЯ-ДОНС» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси- 10 430 000 сўм. Қизиқш билдирган харидорлар ушбу мулкларни суд ижрочилари бўлинимаси вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриши мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдоридида закалат пулини «Ўзбекистон банкилари Ассоциациясининг Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банк Автотранспорт филиалининг «Альянс» минибанкдаги, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закалат пуллари қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга муурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўч. 1-уй. Тел. 138-69-94, 138-69-93.

Цирк НАВРЎ БАЙРАМИ ва мактаб ўқувчиларининг таътил кўнралида Хайвонлар Карнавали Янги супердастур Томошалар: 27, 28, 29, 30 март кунлари соат 11.00, 14.00, 17.00 да; 31 март ва 1 апрелда 12.00, 15.00, 18.00 да бошланади. Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-35-94.

Мунажжим башорати ЎЗГАЛАР МАНФААТИНИ ҲАМ УЙЛАНГ 28 МАРТ, ЧОРШАМБА Мунажжимларимиз Кўешнинг бугунги ҳолати кишиларда ўзбошимчилик, дағаллик, ахлоқона таваққалчилик кайфиятларини пайдо қилишдан огохлантиришади. Бунинг оқибатида кўпчилик ўз қондаси билан ўйин юритишга, яъни бировлар манфаатини лисанд қилмай иш кўришга ҳаракат қилади. Бехуда жанжал-мунозаралар бир пасда зўравонлик ва уруш-тўполонга айланади кетиши мумкин. Бугун бирин-бир қатъий режа асосида ишлашга уринишдан фойда йўқ. Зеро, ҳар қандай мўлжалингизнинг бутунлай акси бўлиб чиқishi ҳеч гапмас. Оймоннинг бугунги ҳолати кучли қувват пайдо бўлиши билан боғлиқлиги туфайли шу кун бошлаган ишингизни албатта шу бугун нихоясига етказишингиз керак бўлади. Ҳар қандай ишда ҳам диққат ва эҳтиёткорлик талаб этилади. Устингизга кичик бир нарсанинг тушиб кетиши ҳаётингизда рўй берадиган кескин бурилиш ва ўзгаришлар даражаси бўлиши мумкин.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар ҳоқимлиги ҳузурдаги Корхоналари тугатиш бўйича доимий ишловчи махсус комиссия тугатиш бўйича ҳўжалик судининг қарорига кўра қуйидаги корхоналар тугатилаётганлигини билдиради. Маъмур корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномалари ҳамда думалоқ ва бурчак штамплари бекор қилинади. Тугатиш бўйича ҳўжалик судининг қарори чиққан — тугатилаётган корхоналар тўғрисида маълумот

Table with columns: №, Корхоналар номи, СТИР, Ҳал қилув қарори чиққан сана. Lists various companies and their liquidation status.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига муурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашрий-матбоба акциядорлик компанияси басмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бoшқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида терилди. 4398 нухсада босилди. Қўғоз бичими А-2